

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Шамсиева Рухсора Насировна
география йўналиши магистранти.

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ва уларни ҳудудий жойлашуви ҳамда мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни таҳлил этилган. Эркин иқтисодий зоналар ривожланишининг жаҳон тажрибаси ўрганилиб, уларни мавжуд ҳудудий иқтисодий имкониятлар асосида юксалтириши зарурлигига эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: саноат, саноат маркази, саноат тугуни, район, географик ўрин, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, эркин иқтисодий зона, кластер, технопарк.

Abstract: the article analyzes the free economic zones established in the Republic of Uzbekistan and their territorial location, as well as their role in the country's economy. The world experience of the development of free economic zones has been studied, and attention has been paid to the need to increase them on the basis of existing regional economic opportunities.

Key word: industry, industrial center, industrial node, region, geographical location, regional production complexes, free economic zone, cluster, technopark.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида замонавий хусусиятларга асосланиб ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилувчи географик назариялардан бири ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларидир (ҲИЧМ). Иқтисодий географ олим А.С.Солиев ўзининг “Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт” номли китобида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларига қуйидагича таъриф беради: “ҲИЧМ – муайян географик нуқта ёки алоҳида районда, унинг табиий ва иқтисодий шароитлари, транспорт ва иқтисодий географик ўринга мувофиқ корхоналарни тўғри танлаб олиш ва жойлаштириши ҳисобидан иқтисодий самарадорликка эришадиган ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этиши шаклидир. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг негизини саноат ташкил этади. Завод ёки фабрика кўринишида бўлган саноат корхонаси мавжуд бўлган жой саноат пункти ҳисобланади. Бир жойда бир неча саноат корхонаси жойлашган бўлса, у ҳолда саноат маркази вужудга келади. Йирик саноат марказлари атрофида саноат пунктларининг жойлашуви саноат тугунини шакллантиради. Профессор А.С.Солиев фикрича, саноат тугунлари - саноат ишлаб чиқариш мажмуаларининг энг етук шаклидир.

Мазкур илмий фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, мамлакат минтақаларида вужудга келаётган ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг янги босқичи сифатида эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, технопарклар ва кластерларни таъкидлаш ўринлидир.

Минтақа иқтисодий-ижтимоий ривожланишида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг унумли шакли бўлган замонавий эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зоналар - давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ, хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлар. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ва иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади. Эркин иқтисодий зоналар кўп ҳолларда давлатлараро туташ ҳудудларда (бир неча давлатларнинг чегаралари туташган ҳудуд), халқаро аэропортлар, порт шаҳарларда ёки транспорт йўллари туташган ҳудудларда ташкил этилади.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан мақсад кўплаб янги технология, инвестицияларни жалб қилиб, ривожланган иқтисодий макон яратиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантиришдир.

Эркин иқтисодий зоналар тарихи милоднинг бошларига бориб тақалади. Қадимий финикияликлар, юнонлар ва римликлар савдо ишларини ривожлантириш мақсадида чет эл савдо кемаларининг ўз портларига эркин кириб чиқишини ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаганлар. ХВИ ва ХВИИ асрларда Европанинг қатор шаҳарлари ўзларини "эркин савдо шаҳарлари" деб эълон қилганлар. Буюк Амир Темур даврида Самарқанд ана шундай эркин савдо маркази бўлган.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар АҚШда технопарклар, Японияда технополислар деб аталади. Ўзбекистонда Эркин иқтисодий зоналар ғояси миллий иқтисодиёт тараққиёти учун ижобий баҳоланди. Шу боис 1996 йилнинг 25 апрелда мамлакат парламенти Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида" қонунини қабул қилди. Бу қонун чет эл инвестициялари, савдо ва саноат соҳаларининг ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш учун қулай шароит яратишга меъёрий ҳуқуқий асос яратди.

Хорижий нашрлардан бири "Biznes-Daily" газетасининг маълумотиغا кўра, бугунги кунда жаҳонда 4000 та эркин иқтисодий зона (400 та эркин савдо зона, яна шунча илмий-ишлаб чиқариш парки, 300 дан зиёд экспорт-ишлаб чиқариш парки, 100 та махсус йўналишдаги зона) фаолият кўрсатмоқда. Эркин иқтисодий

зоналар бўйича дунё тажрибасида сезиларли ўсишларни кузатиш мумкин. Статистика маълумотларига кўра, кейинги йилларда Хитой иқтисодиёти ўсиш суръатлари бўйича дунёда иккинчи ўринда бўлиб, бунга жаҳондаги бизнес муносабатларни зудлик билан ўзгартира олганлиги сабабли эришган. Ҳозирда Хитой товарларини дунёнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин, ХХI асрга келиб Хитой “дунё фабрикаси”га айланиб, жаҳондаги фотоаппаратларнинг 50 фоизи, кондиционерларнинг 30 фоизи, кир ювиш машиналарининг 25 фоизи ва совутгичларнинг қарийб 20 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келади. Хитойнинг бундай юқори даражада тараққий этишида эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган эркин иқтисодий зона, кичик саноат зона, технопарк ва пахтачилик - тўқимачилик кластерлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида жами 16 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ), 70 та кичик саноат зона (КСЗ), 3 та технопарк ҳамда 97 та пахта-тўқимачилик кластерлари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибидаги корхоналар сони ЭИЗларда 416 тани, КСЗларида 1355 тани, технопаркларда 55 тани ва кластерларда 97 тани ташкил этган (1-жадвал):

1 – жадвал.


Ўзбекистонда вилоятлар кесимида ЭИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар сони
(бирлик, 2020 - йил январь-март)

Вилоятлар	Жами	шу жумладан:			
		ЭИЗ	КСЗ	технопарк	кластер
Ўзбекистон Республикаси	186	16	70	3	97
Қорақалпоғистон Республикаси	11	1	7	-	3
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	11	-	2	-	9
Бухоро	17	2	3	1	11
Жиззах	12	2	1	-	9
Қашқадарё	14	-	5	-	9
Навоий	4	1	1	-	2
Наманган	14	2	6	-	6
Самарқанд	11	1	2	-	8
Сурхондарё	16	1	9	-	6
Сирдарё	10	1	1	-	8
Toshkent	31	3	18	-	10

Фарғона	15	1	6	-	8
Хоразм	9	1	1	1	6
Тошкент ш.	11	-	8	1	2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар фаолияти иқтисодиёт тармоқларининг ҳудудий ривожланишига муайян даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мамлакат эркин иқтисодий зоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш бўйича таклифлар, истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, мазкур ҳудудлар учун иқтисодий имтиёзлар мавжуд. 2020 йилнинг январь-март ойларида зоналар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми энг кўп кластерларда 2569,6 млрд. сўмни, ЭИЗларда 2300,1 млрд. сўмни, КСЗларда 523,8 млрд. сўмни, технопаркларда 50,1 млрд. сўмни ташкил этди (1-расм):



1-расм. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм (январь-март)

Мавжуд эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўхшаш томонлари – тадбиркорлар учун божхона, молиявий, солиқ имтиёзлари ва қулай инвестицион муҳитнинг шаклланганлигидир. Бу ҳудудларни ташкил қилиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали бўлиб, кўплаб иш ўринларини ташкил қилишда, халқаро товар айирбошлашни жонлантиришда, ташқи савдо алоқаларини яхшилашда, илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – том. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005. - 249-250 б.
2. А.С.Солиев. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Т.: “Камалак”. 2013. – 55-56 б.
3. Qurbonov P. R., Safarov I. B. Ziyorat turizmining iqtisodiy geografik jihatlari //Экономика и социум. – 2025. – №. 3-1 (130). – С. 357-362.
4. Safarov I. B. et al. Ziyorat turizmini rivojlantirishda gat texnologiyalarining o'rni //Экономика и социум. – 2025. – №. 4-1 (131). – С. 502-505.
5. Omonullayev O. H. Qashqadaryo viloyatida erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini takomillashtirishning hududiy jihatlari //Экономика и социум. – 2025. – №. 6-2 (133). – С. 653-658.
6. Qurbonov P. R. Iqlim o'zgarishi sharoitida tekislik mintaqasi shaharlarining rivojlanish xususiyatlari (Janubiy O'zbekiston misolida) //Экономика и социум. – 2023. – №. 10 (113)-1. – С. 210-214.
7. Qurbonov P. Kichik shaharlarda agrosanoat majmuini rivojlanish imkoniyatlari va istiqbollari (qashqadaryo viloyati misolida) //Nashrlar. – 2023. – С. 298-301.
8. Qurbonov P. O'zbekistonda urbanizatsiya jarayonlari rivojlanishining asosiy bosqichlari //Farg'ona davlat universiteti. – 2023. – №. 3. – С. 165-165.
9. Назаров И.Қ., Халимова Г.С. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг айрим географик жиҳатлари. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 50- жилд. –Т.: 2017. – 17 б.